



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 12 » avgust

№ 513

Toshkent sh.

### Ўзбекистон Республикасида электр қуввати билан ҳаракатланадиган автомотранспорт воситаларидан фойдаланишни оммалаштиришга ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги тартиб-таомилларни соддалаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон Фармонига мувофиқ ҳамда автомобиль транспорти соҳасида энергия тежамкорлигига эришиш, экологик хавфсизликни тубдан яхшилаш, электр қуввати билан ҳаракатланадиган транспорт воситаларидан фойдаланишни оммалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон Фармонида куйидагилар:

автомобиль йўлларида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ўлим ҳолатларини, жумладан, пиёдалар ўтиш жойларининг замонавий светофорлар билан таъминланганлик даражасини босқичмабосқич ошириш орқали қисқартириш;

нотариуслар томонидан автомотранспорт воситасини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартномани “ягона дарча” тамоилии асосида расмийлаштириш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

нотариуслар томонидан автомотранспорт воситасини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартномани расмийлаштириш давомида мурожаат қилувчи тарафлар томонидан автомотранспорт воситаси агрегатлар ракамларининг рўйхатдан ўтказиш ракамларига мувофиқлиги юзасидан кўздан кечирилади ва бу ҳақда шартномада акс эттирилади;

нотариуслар томонидан автотранспорт воситасини бошқа шахсга бериш түғрисидаги шартномалар билан боғлиқ маълумотлар давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг электрон маълумотлар базасига “ягона дарча” тамойили асосида автоматик равишда юборилади;

электр қуввати билан ҳаракатланадиган, электрдвигателининг қуввати 4 кВт ва ундан ортиқ ёки соатига 40 ва ундан юқори тезликка эга бўлган автомототранспорт воситалари (кейинги ўринларда – электромобиль) учун алоҳида фарқловчи рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари жорий этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

2021 йил 1 октябрдан бошлаб электромобиллар учун алоҳида фарқловчи рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари билан таъминлаш чораларини кўрсинг;

2021 йил 1 ноябрга қадар электромобиллар учун расмийлаштирилган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тўлов ва йигимлар ундирилмасдан алмаштириб берилсин. Бунда электромобиль эгаси аукцион савдолари орқали ютиб олинган ва оширилган тўлов ставкасидаги рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари мос равишида электромобиллар учун алоҳида фарқловчи рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларига алмаштириб берилишини таъминлансан.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда автомобиль йўлларида пиёдалар иштирокидаги ўлим ҳолатлари билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида аҳоли яшаш пунктларидағи пиёдалар ўтиш жойларини ўрганиб чиқсин ва светофор қурилмаларини ўрнатиш мумкин бўлган жойларни аниqlасин;

ўрганиш натижалари бўйича йиллик дастурларга тегишли ўзгартиришлар киритсин ва пиёдалар ўтиш жойларига илғор хорижий тажрибага асосланган ҳолда замонавий светофор қурилмаларини босқичма-босқич ўрнатсан.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқлаштирун.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 12 августдаги 513-сон қарорига  
илова

## Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги 38-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 3-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Автомотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Нотариуслар томонидан автомотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш ҳамда расмий дилерлар томонидан “TRADE-IN” дастури бўйича илгари фойдаланилган автотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномасини расмийлаштириш бошقا шахсга бериш тақиқланмаганлиги ва хатлаб қўйилмаганлиги текширилгандан кейин амалга оширилади, тасарруф этиш ҳуқуқисиз ишончномалар бундан мустасно.

Нотариуслар томонидан автомотранспорт воситасини бошقا шахсга бериш тўғрисидаги шартномани расмийлаштириш давомида мурожаат қилувчилар томонидан автомотранспорт воситалари агрегатлар рақамларининг рўйхатдан ўтказиш рақамларига мувофиқлиги юзасидан кўздан кечирилади ва бу ҳакда шартномада акс эттирилади.

Расмий дилерлар томонидан “TRADE-IN” дастури бўйича илгари фойдаланилган автотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномасини расмийлаштиришга қадар автомотранспорт воситалари сотиб олувчининг танловига кўра, хоҳлаган ДИХХХ органларида агрегатлар рақамлари рўйхатдан ўтказиш рақамларига мувофиқлиги юзасидан кўздан кечирилиши лозим. Бунда агрегатлар рақамларининг рўйхатдан ўтказиш рақамларига мувофиқлиги юзасидан маълумотнома тақдим этилади ва ушбу маълумотнома кўздан кечирган мансабдор шахснинг фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари, кўздан кечирилган сана кўрсатилган ва мансабдор шахс имзоси қўйилган ҳолда штамп билан тасдиқланади. Штамп 10 кун мобайнида амал қиласи.

Автомотранспорт воситаси кўздан кечирилганлиги учун тўлов ундирилмайди”;

11-бандга:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

“Нотариуслар томонидан автотранспорт воситасини бошقا шахсга бериш тўғрисидаги шартномалар билан боғлиқ маълумотлар ДИХХХнинг электрон маълумотлар базасига “ягона дарча” тамойили асосида автоматик равища юборилади”.

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишлича учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2007 й., 25-26-сон, 264-модда) билан тасдиқланган автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг типларида:

а) I<sup>1</sup> типдаги рўйхатдан ўтказиш давлат рақамининг график тасвиридан кейин қуидаги мазмундаги хатбошилар ва график тасвир қўшилсин:

**“IЕ тип** – рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари юридик шахсларнинг электромобилларига берилади.

Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони оқ рангда, четки қисми, рақам ва ҳарфлари қора рангда. Чап томонда ҳудуднинг коди қора рангда ва унинг фони яшил рангда, ўнг томонда Ўзбекистон Республикаси байроғи ва “UZ” ҳарфлари.



б) III типдаги рўйхатдан ўтказиш давлат рақамининг график тасвиридан кейин қуидаги мазмундаги хатбошилар ва график тасвир қўшилсин:

**“IIIЕ тип** – рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари жисмоний шахсларнинг электромобилларига берилади.

Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони оқ рангда, четки қисми, рақам ва ҳарфлари қора рангда. Чап томонда ҳудуднинг коди қора рангда ва унинг фони яшил рангда, ўнг томонда Ўзбекистон Республикаси байроғи ва “UZ” ҳарфлари.



в) XI типдаги рўйхатдан ўтказиш давлат рақамининг график тасвиридан кейин қуидаги мазмундаги хатбошилар ва график тасвир қўшилсин:

**“XIE тип** – мототранспорт воситалари (мотоцикллар, моторолерлар, электроскутерлар) учун икки қаторли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари.

Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони оқ рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари қора рангда. Ўнг бурчагининг юқори томонида ҳудуднинг коди қора рангда ва унинг фони яшил рангда, қуий томонида Ўзбекистон Республикаси байроғи ва “UZ” ҳарфлари.



Рақамли битта белги берилади (орқа томонда маҳкамлаш учун);

г) IA<sup>1</sup> рўйхатдан ўтказиш давлат рақамининг график тасвиридан кейин қуидаги мазмундаги хатбошилар ва график тасвир қўшилсин:

**“IAE тип – икки қаторли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари орқа томонга ёки олд ва орқа томонга маҳкамлаш учун юридик шахсларнинг маҳкамлаш жойи IE типдаги рўйхатдан ўтказиш давлат рақами габаритларига мувофиқ бўлмаган енгил электромобилларга берилади.**

Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони оқ рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари қора рангда. Ўнг томонда қуида худуднинг коди қора рангда ва унинг фони яшил рангда, Ўзбекистон Республикаси байроби ва “UZ” ҳарфлари.



д) IIIА типдаги рўйхатдан ўтказиш давлат рақамининг график тасвиридан кейин қуидаги мазмундаги хатбошилар ва график тасвир қўшилсин:

**“IIIАЕ тип – икки қаторли рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгилари электр юргизгичли юк автомобиллар ва автобусларга, шунингдек жисмоний шахсларнинг маҳкамлаш жойи III типдаги рўйхатдан ўтказиш давлат рақами габаритларига мувофиқ бўлмаган енгил электромобилларга орқа томонга ёки олд ва орқа томонга маҳкамлаш учун берилади.**

Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг фони оқ рангда, четки қисми, рақами ва ҳарфлари қора рангда. Ўнг томонда қуида худуднинг коди қора рангда ва унинг фони яшил рангда, Ўзбекистон Республикаси байроби ва “UZ” ҳарфлари.



**3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 31 августдаги 683-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 8-сон, 191-модда):

а) 1-иловада:

7-банд қўйидаги таҳрида баён этилсин:

“7. Автомототранспорт воситасининг бошқа шахсга ўтказилиши ҳақидаги битимлар нотариус томонидан тасдиқланиши давомида автомототранспорт воситасининг рақам агрегатлари ва бошқа техник параметрларнинг рўйхатдан ўтказиш маълумотларига мос келиши юзасидан мурожаат қилувчилар томонидан текширилади ва бу ҳақида шартномада акс эттирилади.

Расмий дилерлар томонидан “TRADE-IN” дастури бўйича илгари фойдаланилган автотранспорт воситаларининг олди-сотди шартномасини расмийлаштиришдан олдин автомототранспорт воситаси рақам агрегатлари ва бошқа техник параметрларнинг рўйхатдан ўтказиш маълумотларга мос келиши юзасидан текширилиши учун сотиб олувчининг танловига кўра ҳохлаган худудий Ўзбекистон органларига тақдим этилиши зарур.

Бунда автомототранспорт воситасини кўриқдан ўтказиш натижалари бўйича кўриқдан ўтказиш маълумотлари худудий Ўзбекистон органни ходимлари томонидан бериладиган маълумотномага кўриқдан ўтказган мансабдор шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, кўриқдан ўтказиш санаси кўрсатилган ҳолда ва мансабдор шахснинг имзоси билан белгиланган намунадаги штамп босилиши йўли билан қайд қилинади. Штамп ўн календарь кун мобайнида ҳақиқий ҳисобланади”;

8-бандга қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

“Бунда автомототранспорт воситасини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартномани “ягона дарча” тамойили асосида расмийлаштириш мақсадида нотариуслар томонидан автомототранспорт воситасини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги битимлар тасдиқланишида автомототранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш хужжатларида маълумотлар Ўзбекистон органларининг олиб қочилган ва ўғирланган автомототранспорт воситалари бўйича маълумотлар базаси билан интеграция қилиш орқали таққосланади”;

14-бандда:

биринчи хатбошидаги “рўйхатга олинган жойларида” сўзлари чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

“Бунда рўйхатдан ўтказиш автомототранспорт воситаси эгасининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган худудидан қатъи назар, ҳар бир худудда автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш

ва уларга давлат рақами белгиларини бериш учун масъул этиб белгиланган худудий ДИХХХ органларида ҳам амалга оширилиши мумкин”;

иккинчи – түртінчи хатбошилар тегишлича учинчи – бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

16-банда:

олтинчи хатбоши чиқарып ташлансан;

еттинчи – ўнинчи хатбошилар тегишлича олтинчи – түккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

23-банда қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши құшилсан:

“Давлат рўйхатидан ўтказилган автомототранспорт воситаларининг РЎДРБ ва автомототранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳномалар эгаларига уларнинг шахсини идентификация қилиш (бармоқ изларини сканер қилиш ва бошқалар) йўли билан топширилади ва электрон қайд этилади”;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансан;

24-банднинг бешинчи хатбоши чиқарып ташлансан;

26-банда:

олтинчи хатбошидаги “I ва IA типли” сўзлари “I, IA ёки IE, IAE типли” сўзлари билан алмаштирилсан;

еттинчи хатбошидаги “III ва IIIA типли” сўзлари “III, IIIA ёки IIIE, IIIAE типли” сўзлари билан алмаштирилсан;

34-банда:

тўртінчи хатбоши чиқарып ташлансан;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишлича тўртінчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

36-банда:

олтинчи хатбоши чиқарып ташлансан;

еттинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансан;

43-банда:

бешинчи хатбоши чиқарып ташлансан;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

44-банда:

бешинчи хатбоши чиқарып ташлансан;

олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансан;

53-банда:

тўртінчи хатбоши чиқарып ташлансан;

бешинчи хатбоши тўртінчи хатбоши деб ҳисоблансан;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 2-иловада:

3-банднинг учинчи хатбошидаги “I, Ia, III, IIIА типдаги” сўзлари “I, IA, IE, IAE, III, IIIА, IIIЕ, IIIAE типдаги” сўзлари билан алмаштирилсин;

3<sup>1</sup>-банддаги “I, Ia, III, IIIА типидаги” сўзлари “I, IA, IE, IAE, III, IIIА, IIIЕ, IIIAE типидаги” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг номланиши қуийдаги таҳрирда баён этилсин:

“Оширилган тўлов ставкалари бўйича бериладиган I, IA, IE, IAE, III, IIIА, IIIЕ, IIIAE типидаги автотранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг рўйхати”.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2020 й., 11-сон, 257-модда) билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашнинг маъмурӣ регламентининг 20-банди қуийдаги таҳрирда баён этилсин:

“20. Нотариус томонидан битимни тасдиқлаш давомида мурожаат қилувчилар томонидан автомототранспорт воситалари агрегатлар рақамлари рўйхатдан ўтказиш рақамларига мувофиқлиги юзасидан кўздан кечирилади ва бу ҳақида битимда акс эттирилади”.

**5.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 ноябрдаги 758-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2020 й., 11-сон, 2707-модда) билан тасдиқланган Автомототранспорт воситаси конструкциясини ва (ёки) унинг қисмини ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарномани тақдим этиш ва автомототранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи – тўққизинчи хатбошилар тегишлича бешинчи–саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 25-бандда:

бешинчи хатбоши қуийдаги таҳрида баён этилсин:

“Автомототранспорт воситаларининг кузов, кабина ва двигателларини худди шу русумдаги (ёки шу русумнинг янги модификациясидаги) кузов, кабина ва двигателларга алмаштириш бундан мустасно”;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) 32-бандда:

учинчи хатбошидаги “рухсатнома” сўзи “рухсатноманинг нусхасини” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги “рухсатноманинг нусхасини” сўзлари “рухсатномани” сўзи билан алмаштирилсин;

г) 33-банднинг тўртинчи хатбошидаги “ишончсиз ёки” сўзлари чиқариб ташлансин;

д) Низомга 1-иловада:

1-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“енгил турдан пикап турига (кузовини алмаштириш шарти билан)”;

2-банднинг ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“автотранспорт воситасининг конструкциясини ўзгартиришга олиб келмайдиган ёритиш чироқларини ўрнатиш;

махсус транспорт воситаларига ялт-ялт этувчи чироқ-маёқча ва (ёки) маҳсус товушли ишоралар берувчи мосламалар ўрнатиш”.

